

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

551 Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарори)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг «Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 августдаги 224-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 3-сон, 33-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 8 октябрь,
277-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 8 октябрдаги 277-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Суд бошқарувчилари тўғрисидаги низомда (1-илова):
 - а) 6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«қарздорнинг сохта банкротлиги ва банкротликни яшириш аломатлари-

ни аниқлаш ҳаракатларини амалга оширади ва уларнинг яқунлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли хулоса тайёрлайди»;

б) қуйидаги мазмундаги 18¹-банд қўшилсин:

«18¹. Вақтинча бошқарувчи имзолангандан кейин ўн иш кунидан кечикмай:

сохта банкротлик ва банкротликни яшириш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига ва прокуратура органларига;

сохта банкротлик ва банкротликни яшириш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига тақдим этади»;

в) 27-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«қарздорнинг банкротликни яшириш аломатларини аниқлаш ҳаракатларини амалга оширади ва уларнинг яқунлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли хулоса тайёрлайди»;

г) қуйидаги мазмундаги 34¹-банд қўшилсин:

«34¹. Ташқи бошқарувчи имзоланганидан кейин ўн иш кунидан кечикмай:

банкротликни яшириш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига ва прокуратура органларига;

банкротликни яшириш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига тақдим этади»;

д) 40-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«қарздорнинг банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш ҳаракатларини амалга оширади ва уларнинг яқунлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли хулоса тайёрлайди»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

е) 44-банддаги «Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига» сўзлари «Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) қуйидаги мазмундаги 47¹-банд қўшилсин:

«47¹. Тугатувчи бошқарувчи имзолангандан кейин ўн иш кунидан кечикмай:

банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига ва прокуратура органларига;

банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосани — кредиторлар йиғилишига, хўжалик судига тақдим этади».

2. Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомда (2-илова):

а) 9-бандда:

а) «а» кичик банддаги «аттестатнинг тоифаси кўрсатилган ҳолда» сўзлари чиқариб ташлансин;

қўйидаги мазмундаги «ж» ва «з» кичик бандлар қўшилсин:

«ж) тегишли давлат органининг судланганликнинг бекор бўлиши ёки судланганликнинг олиб ташланиши тўғрисидаги маълумотномаси;

з) паспортнинг нусхаси»;

б) 12-банднинг биринчи жумласи охирига «тўртинчи тоифали аттестат талабгори бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

в) 18-банддаги «учинчи тоифали аттестат учун камида 60 фоиз» сўзлари «тўртинчи тоифали аттестат учун камида 50% ижобий жавоблар олиш, учинчи тоифали аттестат учун — 60%» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 21-банднинг учинчи хатбоши охирига «тўртинчи тоифали аттестат талабгори бундан мустасно» сўзлари қўшилсин;

д) 55-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Қўмита томонидан аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч йил мобайнида аттестат талабгори тест имтиҳонларини қайта топширишга қўйилмайди».